

Зикр ҳар бир яхшиликнинг калитидир



14:23 / 17.02.2023 2952

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳ вафот этгани ҳақидаги хабар радио орқали эълон қилинганида радио мухбири Суриянинг собиқ муфтийси Шайх Аҳмад Куфтару раҳимаҳуллоҳдан сўради: Шайх жаноблари! Марҳамат қилиб айтингчи, бир мусулмон олим сифатида, қолаверса, шайх Шаъровийнинг яқин биродари сифатида у кишининг илмда мана шундай юксак мартабага эришиши ва Аллоҳ таолонинг у кишига илмни очиб беришининг сири нимада деб ўйлайсиз?

Шайх Аҳмад Куфтару раҳимаҳуллоҳ шундай жавоб берди:

Ўтган йили шайх Шаъровийнинг зиёратига борган эдим. У киши бемор эканлар. Икки ёнбошларига ёстиққа суяниб олган эканлар. Мен у кишидан шу ҳақида сўрадим, яъни Аллоҳ таоло сизга илмни очиб беришининг сири нимада?-дедим. Шайх чўнтагига қўлини тиқиб, ундан тасбеҳни чиқардида: мана бу, яъни Аллоҳни кўп зикр қилиш. Зикр ҳар бир яхшиликнинг калитидир. Аллоҳ таоло ҳадиси Қудсийда: «Мен мени зикр қилган бандамнинг ёнидаман», деган, деб жавоб берди.

Орифлардан бирлари: Раббим мени қачон зикр қилишини мен биламан, деди. Унинг гапини тинглаб ўтирганлар хайрон бўлишди ва: буни қаердан биласиз?-дейишди. Ориф зот: ажойибсизларда, ахир Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятини ўқимаганмисизлар:

(Мени зикр қилинглр, шунда Мен ҳам сизларни зикр қиламан), деган экан.

Манба: <https://t.me/tuhur>